

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publisistik jurnal



Fevral - 2014

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил шондан
чиқа бошлаган

№ 2

2014 йил, февраль

Бош муҳаррир:

Шухрат РИЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Эркин ВОҲИДОВ

Абдулла ОРИПОВ

Омонулла ЮНУСОВ

Муҳаммад АЛИ

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ

Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ

Иброҳим ҒАФУРОВ

Низом КОМИЛОВ

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

Тахрир ҳайъати:

Омонулла РИЗАЕВ

(масъул котиб)

Амир ФАЙЗУЛЛА

Назира ЖЎРАЕВА

Музаффар АҲМАД

Дилдорхон АЛИЕВА

Алимурод ТОЖИЕВ

Шаҳноза НАЗАРОВА

Севара АЛИЖОНОВА

МУНДАРИЖА

НАВОИЙГА АРМУҒОН

Навоий шохбайтлари.....	3
Наим КАРИМОВ. Олимнинг тугаллан- маган романи.....	4
Иззат СУЛТОН. Мукаддима. Ўрта асрлар ҳаётидан роман.....	6

НАСР

Т.ДРАЙЗЕР. Сармоядор. Роман. (Рус тилидан Амир Файзулла тарж.).....	60
М.ЎНДЕР. Мавлоно. (Турк тилидан Шермурод Субҳон тарж.).....	107

ГЛОБУС

БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ

Денгизга туташ замин.....	142
Болтикбўйи шеърляти.....	148
Болтикбўйи насри.....	157
Унутилмас сиймолар.....	173

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Омонилла МАДАЕВ. Навоий даҳоси ва замонамиз кашфиётлари.....	53
Зухра МАМАДАЛИЕВА. Навоий ва Со- фокл.....	49
Зиёдахон ТЕШАБОЕВА. Инглизча "Бо- бурнома"лар.....	139
Шайх Музаффар Ўзак ХИЛВАТИЙ. Инсон қалби – қадах, муҳаббат – шароб.....	185
Муқоламизда.....	204
Таквим.....	205

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

2



Хўблар ўрта
Ким, аларни

Кўнгил фасо
Бу навъким,

Навоий, чора
Ғамингга чор

Ўқи баским т
Улки ўқ деб н

Навоий жон
Эрур юз жон

Ақлким барча
Бўлди ишқ аб

Эй кўнгул, со
Ким, набиға о

Пок лафз айту
Яхши сўз бор

Бир югурук ти
Ахтарур гўек

Эй Навоий, иш
Элга бу иш гар



ИНГЛИЗЧА “БОБУРНОМА”ЛАР

Европага маълум ва машхур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ўзбек ва жаҳон олимлари томонидан кенг тадқиқ қилинган. Адабиётшунос ва тарихшунос олимлар Ҳ.Қудратуллаев, Р.Воҳидов, С.Ҳасанов, И.Отажонов ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий тадқиқот ишларида асар илмий-адабий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу жумладан, А.Иброҳимов “Бобурнома”да ифодаланган ҳиндча сўзлар

тадқиқини, М. Собиров эса асарнинг инглизча таржималарини қиёсий таҳлилга тортганлар. Ҳозирга қадар “Бобурнома”нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва ўзбек халқи миллий-маданий мен-талитетига доир тасвирлар ифодаси қай даражада таржима қилинганига эътибор қаратганлар.

Бугунги кунда таржимашунослик соҳаси анча ривожланиб, ўз олдида катта мақсадлар қўймоқда. Ўзбек мумтоз адабиётининг дунёга ёйилишида таржиманинг роли бениҳоя каттадир. Воситачи тилсиз бадий асарларимизни инглиз тилига тўғридан-тўғри таржима қилишга уринаётормиз. Тилимизда мавжуд бўлган миллий-маданий сўзлар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларни таржима қилиш учун таржимондан жуда катта маҳорат талаб қилинади. Аслиятнинг қайта инглиз тилида яратилиши учун биз қандай асарларни тадқиқ этишимиз зарур, уларнинг эквивалентларини қандай топган маъқул? Мана шу масалани инглиз тилига бир неча марта таржима қилинган “Бобурнома” асари таржималари мисолида кўриб чиқамиз.

“Бобурнома”да қўлланилган фразеологик бирликлар, мақоллар, маталларнинг барчаси миллий хусусиятларни ўзида мужассам этади. Уларнинг орасида шундай ўзига хос тарзда ифодаланган фразеологик бирликлар борки, айнан қайси миллатга, қандай дин эгаларига тегишли эканлигини фарқлаш учун инглизча мисолларни қиёслаб ўрганиш қўл келади.

“Бобурнома”даги бир мисолда: “*Бу беиш қунлук ўлар жон учун ёмон от била борди. Хотун сўзига кириб, ўзини некномлар чаргасидан чиқарди. Мундоқ кишининг вақоийини мундин ортуқ битиб бўлмас. Бу йўсунлук шаниъ ҳаракотни мундин ортуқ эшитиб бўлмас*” (2, 78).

“*Бу беиш қунлук ўлар жон учун ёмон от била борди*” гапи муаллифнинг асар қаҳрамонига берилган баҳо муносабати орқали акс этади, унинг таржималари эса турли даврларда инглиз тилига таржима қилинган. Шарқшунос олимлар Жон Лейден ва Вильям Эрскинларнинг 1826 йилдаги “Бобурнома”нинг инглиз тилига қилинган таржимасида қуйидагича берилади: “*From this over-anxiety to preserve this transitory and mortal life, he left a name of infamy behind him; and, from following the suggestions of a woman, struck himself out of the list of those who have earned for themselves a glorious name. It's impossible to write any more of the transactions of a such a personage, and impossible to listen any farther to the recital of such and dastardly proceedings*” [4, 84].

Улардан сўнг “Бобурнома”нинг 1921 йилда Сусанна Бевериж хоним

томонидан килинган таржимасида куйидагича берилади: *"For a matter of this five-days mortal life, he died with a bad name; having entered into a woman's affairs, he withdrew himself from the circle of man of good repute. Of such people's doings no more should be written; of acts so shameful, no more should be heard"* [1,128].

Ниҳоят "Бобурнома"нинг энг сўнгги таржимони В.Текстоннинг 1996 йилги таржимасида: *"For the sake of this transitory life he departed with a bad name. By listening to the words of woman, he removed himself from the circle of those of good repute. Of such a person no more can be written; of such horrible acts no more need be heard"* [5,95].

"Бу беш кунлук ўлар экон учун ёмон от била борди" жумласининг таржималаридаги фарқларни кузатамиз:

this transitory life and mortal life, he left a name of infamy behind him – бу ўткинчи ва фоний ҳаётда ортидан ёмон ном қолдирди;

five days mortal life, he died with a bad name – бу беш кунлик фоний ҳаётдан у ёмон ном билан ўлди;

this transitory life he departed with a bad name – бу ўткинчи ҳаётдан у ёмон ном билан кетди. Бу ерда биз ҳар бир таржимоннинг ўзига хос услубда таржима қила олишдаги уринишларини кўришимиз мумкин. Ҳар бир таржимон аслият тилига тегишли фразеологик бирликни сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, турли эквивалентларни инглиз тилида яратди.

"Бобурнома"даги Самарқанд ҳалокати маҳали Зухрабегимнинг нотўғри қарор қабул қилиши ҳақида Бобур бундай дейди: *"Бу бедавлат хотун чун ноқиси ақл эди, эрга тегар ҳавоси била ўғлининг хону монин барбод берди. Шайбонийхон бир зарра нарво ҳам қилмади, балки гума-гунчачидек кўзга илмади"* [2,78].

Таржима вариантлар:

Лейден-Эрскинда: *"...so that the wretched and weak woman, for the sake of getting himself a husband, gave the family and honour of her son to the winds. Nor did Sheibani Khan mind her a bit, or value her even so much as his other handmaids, concubines, or woman"* [4,84].

gave the family and honour of her son to the winds – оиласи ва ўғлининг обрўсини ҳавога совурди.

Сусанна Бевериджа: *"As for that calamitous woman who, in her folly, gave her son's house and possessions to the winds in order to get herself a husband, Shaibani Khan cared not one atom for her, indeed did not regard her as the equal of a mistress or a concubine"* [1,128].

gave her son's house and possessions to the winds – ўғлининг уйини ва мол-мулкларини ҳавога совурди.

В.Текстонда: *"In her lust to get a husband, that wretched, feeble minded woman brought destruction on her son. Shaibani khan paid her not the slightest attention and regarded her as less than a concubine"* [5,95].

brought destruction on her son – ўғлини буткул барбод қилди. Таржималардан кўринадик, ҳар бир таржиманинг ўзига хос томонлари ва камчиликлари бор. Бутун бир салтанатдан маҳрум бўлган ўғил ва онанинг ҳолати энг сўнгги таржимада аслиятга яқинроқ ифодаланади.

"Бобурнома"даги куйидаги парча ҳақида: *"Қирқ-элик кун бу юртта эканда неча навбат ташиқаридан-ичкаридан кунгуллуқ йигитлар Хиёбонда яхшилар чопқулашдилар. Бир мартаба Хиёбонда Иброҳим Бекчик чопқулашти, юзига чоптилар. Мундин сўнг Иброҳим чопуқ дерлар эди"* [2,56].

Бу ўринда "яхшилар чопқулашдилар" ва "Иброҳим чопуқ" жумлалари таржималарини кузатамиз:

Лейден-Эрскинда: *"I remained forty or fifty days on this situation; and during our stay there many sharp skirmishes took place on the Khiaban (or pleasure-ground of the city), between our people and townsmen. In one of thus actions,*

Ibrahim
afterwa
Cyc
from th
One da
there a
B.T
hothea
Khiyab
face wi
Бир
took pl
қавс и
Сусан
литера
инглиз
"Ях
лагади
Чопуқ
Боб
чукки,
ота оғ
ироқда
ташқ
Юк
рафъ б
турлич
Лей
idea of
on, ana
had be
Бу с
шакли
акс эт
Сус
and wa
bye-go
and ne
had me
Бун
шунча
топгай
В.Т
khan w
it woul
to the k
В.Т
бормои
зида та
ташпри
мазму
лиги в
Биз
В.Текс
Ми
таассу

Ibrahim Begchick received a sabre wound in the face, from whence he was always afterwards called Ibrahim Chapuk (or Slashed-face)". John [4,43-44].

Сусанна Беверижда: "We lay there for 40 or 50 days. During the time, men from their side and from ours chopped at one another several times in the Avenue. One day when Ibrahim Begchik was chopping away there, he was cut on the face; there after people called him Chapuk (Balafr)" [1,67].

В.Текстонда: "For forty or fifty days we sat there, while several times the hotheaded warriors from our side and theirs hacked away at each other on the Khiyaban. Once Ibrahim Begchik got into the fray on the avenue and was hit the face with a sword. Thereafter he was called Ibrahim Chapuk" [5,49].

Биринчи инглизча таржимада "яхшиликлар чопкулашдиладар"ни skirmishes took place – жанг содир бўлди, Иброҳим Чопукни транслитерация усулида, кавс ичида Slashed face – қилич изи қолган (чандикли) юз тарзида берилса, Сусанна хоним was chopping away – чопишаётгани ва бу ерда ҳам транслитерация усули билан Chapuk ҳолда келтирилган ва унинг кавс ичидаги инглиз тилига ҳос лексик бирлик Balafr атамасини ҳам келтириб ўтган.

"Яхшилар чопкулашдиладар" – обдон жанг қилдилар деган маънони англатади. В.Текстоннинг варианты hacked away тарзида берилиб, Иброҳим Чопукни транслитерация қилишни хоҳламаган ва уни изохсиз қолдирган. Бобурномада келтирилган мана бу ўринларга эътибор қаратсак: "Нечукки, мазкур бўлди, хотирга еттиким, ора мунча ёвуқ бўлгонда хон, чун ота оғадурлар, бориб мулозамат қилсам, ўтган кудуратлар рафъ бўлғай, ироқда-ёвуқда эшитур, кўрарга яхши бўлғай деб келиб, Шохрухиядан ташиқари Хайдарбек солгон боғда хонга мулозамат қилдим" [2,51].

Юқоридаги жумлада "бориб мулозамат қилсам" ва "ўтган кудуратлар рафъ бўлғай" фразеологик бирликлари биз тадқиқ қилаётган таржималарда турлича акс этади.

Лейден-Эрскинда: "... that it would enable me to form a nearer and better idea of the real state of things at his court. Having formed this resolution, I went on, and waited on the Khan in the neighborhood of Shahrukhiya, in a garden which had been laid out by Haydar Beg" [4,34].

Бу ерда "бориб мулозамат қилсам" – to form a nearer – яқинроқ бўлсам шаклида, "ўтган кудуратлар рафъ бўлғай"нинг таржимаси бўлса тўлиқроқ акс этмаган.

Сусанна Беверижда: "It occurred to me that if since I was so close, I went and waited on him, he being, as it were, my father and my elder brother, and if bye-gone resentments were laid aside, it would be good hearing and seeing for far and near. So said, I went. I waited on The Khan in the garden Haidar Kukiildash had made outside Shahrukhiya" [1,54].

Бунда "бориб мулозамат қилсам" – if since I was so close – агар мен унга шунчалик яқин бўлсам, "кудуратлар рафъ бўлғай" хафачиликлар барҳам топгай тарзида берилган.

В.Текстонда: "It crossed my mind that since the distance was slight and the khan was like my father and elder brother, if I were to patch up our past differences, it would have excellent propagandistic value. So saying, I went to pay homage to the khan in the garden built by Haydar Beg outside of Shahrukhiya" [5,38].

В.Текстондаги "бориб мулозамат қилсам" to pay homage – йўқлаб бормок; бориб кўрмоқ if I were to patch up – агар ҳолатини юмшатсам тарзида таржима қилинади. В.Текстон кўллаган бориб кўрсам, йўқлаб борсам, таширф буюрсам маъноларидаги to pay hommagening жуда кенг қамровли мазмунни ўз ичига олиши ва айни мулозамат қилмоқнинг муқобили эканлиги ва адекват таржимага эришганлигини кўрсатади.

Бизнинг ҳулосаларимизга кўра уч инглиз таржимонлари орасида В.Текстон варианты аслиятга яқин ва кўпроқ мос келади.

Миллий ўзига ҳослик айнан унинг таржимасида кўпроқ сақлангандек таассурот беради.

Зиёдаҳон ТЕШАБОЕВА